ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 5, НОМЕР 3

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 5, ISSUE 3

ТОШКЕНТ-2022

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

№3 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2022-3

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Сабирова Умида Фархадовна
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Негматова Шахзода Шухратовна
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук, (Узбекистан)

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор (Россия)
Рожанский Михаил Яковлевич
кандидат философских наук (Россия)
Маматов Нормурат
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Камалова Хатира Сабыровна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Акулич Мария Михайловна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Каримов Бобир Шаропович
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

Антонио Алонсо Марсос
доктор политических наук, профессор (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Виктор Агаджаньян
доктор философии по социологическим наукам,
профессор (США)
Тагиева Гулсум Гафуровна
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)
Абдулазизов Абдулвохид Хабибуллевич
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Аликариев Нуритдин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Николов Стефан
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)
Пармонов Фарход Ярашевич
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Толипов Файзулла Саидович
кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор (Китай)
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)
Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Махкамов Қодиржон Одилжонович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Сеитов Азамат Пулатович, Сеитова Зухра Пиржановна
УЗБЕКИСТАН И КАЗАХСТАН В РЕШЕНИИ ВОПРОСОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ ПРИАРАЛЬЯ……..4

2. Хусанова Хайринисо Тайировна
АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА: ИЛҒОР МОДЕЛЛАР ВА АМАЛИЁТ……...11

3. Alikariev Nuriddin
COMPREHENSIVE ANALYSIS OF PRODUCTIVITY IMPROVEMENTS……..…21

4. Латипова Нодира Мухторжановна, Алексеева Виктория Сергеевна
РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ДЕТЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ……31

5. Сабирова Умида Фархадовна, Нажмиддинова Гулноза Умаровна
МЕДИЙНАЯ РЕАЛЬНОСТЬ КАК НОВЫЙ ТИП СОЦИОКУЛЬТУРНОГО ПРОСТРАНСТВА……46

6. Бердимуратов Марат Есемуратович
ЁШЛАРНИ МЕҲНАТ БОЗОРИГА МОСЛАШТИРИШ НАЗАРИЯСИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАХЛИЛИ……55

7. Jiyanmuratova Gulnoz Sherbutayevna
ELEKTORAL XULQ-ATVORGA RATSIONAL-INSTRUMENTAL YONDASHUVNING PAYDO BO‘LISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI……..65

8. Каюмов Кахрамон Нозимжонович
ШАҲАРЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА ТАРИХИЙ ХРОНОЛОГИЯСИ….72

9. Дўланбаева Ойгул Аслбек қизи
ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ СИФАТИДА ТАВСИФЛАШ БЕЛГИЛАРИ……82

10. Navruzov Oybek Egamqulovich
YOSHLARDA TA’LIM QADRIYATLARINI SHAKLLANTIRISHDA INSTITUTSIONAL MADANIY OMILLARNING IJTIMOIY JIHATLARI……...90

11. Рашидова Шаҳноза Баҳодировна
ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ……..98

12. Тилябаева Шахноза Тожиддиновна
МИЛЛИЙ ДИАСПОРАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ……106

ISSN: 2181-9556
www.tadqiqot.uz
ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Тилябаева Шахноза Тожиддиновна
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси,
“Бошқарув социологияси ва психологияси”
кафедраси докторанти
e-mail: shaxnoza81@bk.ru

МИЛЛИЙ ДИАСПОРАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6719349

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада миллий диаспоралар билан ишлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ва амалиёти таҳлил этилган. АҚШ, Мексика, Хитой, Ҳиндистон, Исроил ва Туркия каби мамлакатларнинг диспоралар билан ишлаш бўйича услублари ҳамда ташкил этилган институтлари фаолияти тўғрисида маълумотлар берилган. Унда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистон амалиётига мослаб ўзлаштириш масалалари ёритилган. Ўзбекистон Республикасида “Ватандошлар” билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг ижтимоий аҳамияти кўрсатилган. Диаспоралар билан ишлашнинг фанда мавжуд концепциялари ўрганилган. Ўзбекистоннинг хориждаги миллий диаспоралари билан ишлашда ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси миллий диаспоралар билан ишлашда устувор тамойилларни белгилаб олиш муҳимлиги ва “Ўзбек диаспораси” билан ишлашда, аввало, толерантлик, компромисс каби хусусиятларини таҳлил қилиш долзарблиги таъкидланган.

Калит сўзлар: диаспора, миллий диаспора, конформизм, стратегия, толерантлик, компромисс, ватандошлар, консенсус, имиж, зангори карта.

Тилябаева Шахноза Тоджиддиновна,
докторант кафедры «Социология и психология управления»
Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан
e-mail: shaxnoza81@bk.ru

ПОДДЕРЖКА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ДИАСПОР: АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется опыт и практика работы с национальными диаспорами в зарубежных странах. Предоставляется информация о методах работы с диаспорой и деятельности авторитетных учреждений в таких странах, как США, Мексика, Китай, Индия, Израиль и Турция. В материале освещены вопросы адаптации передового опыта зарубежных

стран к практике Узбекистана. Уточнены правовые основы работы со структурой «Ватандошлар» в Республике Узбекистан и ее социальная значимость. Изучены существующие концепции работы с диаспорами в сфере науки. Анализируются особенности работы с национальными диаспорами Узбекистана за рубежом. Обоснована важность определения приоритетов в работе с национальными диаспорами Республики Узбекистан и актуальность анализа таких особенностей работы с узбекской диаспорой, прежде всего, как толерантность и компромисс.

Ключевые слова: диаспора, национальная, конформизм, стратегия, толерантность, компромисс, соотечественники, консенсус, имидж, зеленная карта.

Tilyabaeva Shakhnoza Tojiddinovna,
PhD student of the Academy of
Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan,
Department of Management Sociology and Psychology
e-mail: shaxnoza81@bk.ru

SUPPORT FOR THE ACTIVITIES OF NATIONAL DIASPORA: ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE

ANNOTATION

This article analyzes the experience and practice of working with national diasporas in foreign countries. Information is provided on methods of working with the diaspora and the activities of authoritative institutions in countries such as the United States, Mexico, China, India, Israel and Turkey. It highlights the issues of adapting the best practices of foreign countries to the practice of Uzbekistan. The legal framework for working with "Vatandoshlar" in the Republic of Uzbekistan and its social significance have been clarified. Existing concepts of work with diasporas in science are studied. The features of work with the national diasporas of Uzbekistan abroad are analyzed. The importance of setting priorities in working with the national diasporas of the Republic of Uzbekistan and the relevance of analyzing such features of working with the Uzbek diaspora, primarily as tolerance and compromise, are substantiated.

Key words: diaspora, national, conformism, strategy, tolerance, compromise, compatriots, consensus, image, green card.

Бугунги кунга қадар жаҳонда мавжуд миллий диаспоралар қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, қўним топган мамлакат ичида ўзининг маданий ва маънавий мансублигига қараб ижтимоий ҳаёт тарзини мустақил белгилаш чораларини кўради. Шундан келиб чиқиб турли миллий-маданий марказлар ва ватандошлар жамиятларини тузадилар. Миллий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг сиёсий жараёнларида иштирок этиш имкониятларини излайдилар.

Ҳозирги кунда 60 дан ортиқ давлатлар (шу жумладан Ҳиндистон, Туркия, Германия, Франция, Россия, Хитой, Қозоғистон, Польша, Беларусия, Украина, Сербия, Хорватия, Япония, Исроил, Грузия, Озарбайжон) самарали институционал диаспора сиёсатини амалга оширмоқда ҳамда ҳар йили хориждаги ўз диаспораларини қўллаб-қувватлаш учун бюджет маблағларининг муайян қисмини миллий ваколатхоналар ёки сиёсий агентликлар ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирмоқда [1, - Б. 402-403].

Ҳар қандай мамлакатда миллий диаспоралар озчилик аҳоли қатламини ташкил этади. Миллий диаспораларнинг миллий қадриятларини сақлаб қолиш бўйича кўпгина мамлакатлар ўзининг ички сиёсатини ишлаб чиқмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон ҳам бу борада қатор ислоҳотларни амалга оширишга киришди. “Ватандошларни қўллаб-қувватлаш, хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини юксалтириш масалаларига ҳам бундан бўён устувор аҳамият

қаратамиз, жумладан миллий маданий марказларни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз” [2, - Б. 309].

XX аср инсоният тарихида озчиликлар озодлиги асри деб ном олди, чунки айнан шу асрда деярли барча мустамлакаларга барҳам берилди. Ғарб ҳамжамиятида озчилик ҳуқуқларини таъминлашлар муаммосини хал этиш, яъни дунёнинг этномаданий хилма-хиллигини тан олиш, ижтимоий камситилмаслиги, ҳукмрон бўлмаган халқларнинг мақомини барқарорлашуви масалалари кўпгина малакатларда расман эътироф этилди ва конституциявий ислоҳотлар амалга оширилди (Белгия, Канада, Испания ва бошқалар), бу давлатларда туб аҳоли ҳуқуқлари билан тенг ҳуқуқларга эгалик учун ҳаракат қилиш, вакиллиги таъминланмаган халқлар ва миллатларнинг халқаро ташкилотини тузиш ишлари амалга оширилди [6, - Б. 77]. Бу эса дунё амалиётида миллий диаспоралар билан ишлашнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу соҳада Туркия, АҚШ, Англия, Франция ва Ҳиндистон каби жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси қолган мамлакатлар учун дастурил амал бўлиши мумкин.

Озчилика муносабат - этник ва ирқий келиб чиқиши турлича бўлган кишилар кўп миллатли мамлакатларда ҳар доим фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражасини ва демократия кўрсаткичи бўлиб келган, ҳозирги замонда ҳам кун тартибидаги ахлоқий ва сиёсий муаммолардан биридир [6, - Б. 77].

Мазкур масала ўзига хос ёндашган Мексика ва Туркия давлатлари тажрибасини таҳлил этамиз. XX асрдан Мексика узоқ тарихга ва географик мақсадга эга бўлган АҚШдаги Мексика диаспораси талабларидан келиб чиқиб, махсус консуллик сиёсатини амалга ошира бошлади. Эквадор (хориждаги фуқароларини қўллаб-қувватлашга қаратилган консуллик сиёсатини юритувчи Лотин Америкасидаги иккинчи давлат) билан бир қаторда, Мексика нафақат АҚШда ўз фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, балки уларнинг кундалик маиший муаммоларини ҳал этиш, соғлиқни сақлаш, таълим бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш, маданиятини ривожлантириш, фуқаролар фаровонлигини яхшилаш учун бизнес-консалтинг ёрдамини кўрсатади. Вақт ўтиши билан бу ташаббуслар Мексиканинг ташқи сиёсатининг ажралмас қисмига айланди ҳамда ажойиб ижобий натижаларга олиб келди [5, - Б. 167]. Ҳозирги кунда Мексиканинг АҚШдаги диаспораси мамлакат иқтисодий ривожланишида катта инвестиция киритувчи манбага айланиб улгурди.

“Туркия ҳукумати ҳам хориждаги ватандошлари билан алоқаларни сақлаб қолиш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. 2010 йилда Туркия ҳукумати ҳузурида Муҳожир турклар ва қардош жамоалар ишлари ишлари бўйича махсус бошқарма ташкил этилганидан буён соҳада ишлар анча фаоллашди. Туркия Республикасининг “Фуқаролик тўғрисида”ги қонунига кўра, туркларни қабул қилувчи мамлакатда икки фуқароликка тақиқ қўйилган тақдирда, фуқароларга “зангори карта” бериш амалиёти кенг йўлга қўйилган. Бу турк муҳожирларига Туркия фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиш имконини беради (чекловлар фақат давлат хизматига киришда амал қилади), шунингдек, чет элда доимий яшайдиган турклар учун муқобил хизмат ўташга рухсат берилади” [1, - Б. 409].

“Хорижда доимий яшовчи турк фуқаролари Туркиянинг хориждаги муассасалари ҳудудида овоз бериш ҳуқуқи (сайлов ва референдумларда) таъминланади. Чет элда яшовчи ва Туркия фуқаролигига эга бўлмаган турклар, давлат идораларида ерга оид мулк ҳуқуқини, кўчар ва кўчмас мулк билан тузилган барча битимларни нотариал қўллаб-қувватлаш ва бошқа ҳаракатларни давлат рўйхатидан ўтказишга ҳақли. Диаспоралар билан ишлаш доирасида Туркия ҳукумати турк муҳожирлари томонидан тузилган турли жамиятлар, уюшмалар, ватандошлар жамғармаларини қўллаб-қувватлаб келмоқда, уларнинг умумий сони ҳозирда 4 мингга етди. Туркия раҳбарияти турк тили ва маданиятини оммалаштиришга катта эътибор беради, дунёнинг турли мамлакатларида ўқиш дастурларини ишлаб чиқади ва қўллаб-қувватлайди. 1993 йилда Туркия элчихоналари ҳузурида Юнус Эмро номидаги турк маданият марказлари билан яқиндан алоқа қиладиган турк маданиятининг халқаро ташкилоти тузилди (ТУРКСОЙ)” [1, - Б. 409].

Турли тафофутларга қарамай, Хитой ва Ҳинд диаспораларининг ўз юртлари тараққиётига бўлган муносабатлари ўхшашдир. Ўтказилган сўнгги сўровларга кўра, ҳар иккала диаспора ҳам она ватанларига сармоя киритиш, амалга оширса бўладиган ислоҳотлар ва ўз юртларидаги амалдорлар билан амалий имкониятларни музокара қилиш ҳамда мамлакатларига доимий яшаш учун қайтиш имкониятлари каби масалалар бўйича бир хил фикрдадирлар. Иккала диаспора ҳам ўз мамлакатлари учун натижаси ижобий бўлган, гўёки осмондан тушган инъом бўлдилар [4].

Миллий диаспоралар билан ишлаш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, йирик диаспораларга эга бўлган давлатлар ўзининг диаспораларини мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш бўйича давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланадиган узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегияси бўлишини тақозо этмоқда. Миллий стратегия миллий диаспораларнинг автоном равишда миллий ва маданий мансубликни сақлаб қолиш институтлари ва механизмларига эга бўлиши лозим. Чунки давлатларда миллий диаспоралар билан ишлаш учун ҳамкор давлатлар билан доим ҳам ижобий муҳит ва сиёсий алоқалар узвий бўлмаслиги мумкин. Бунга мисол қилиб, дунёдаги яҳудийлар диаспорасини ҳеч қандай миллий давлат кўмагисиз қандай қилиб узоқ йиллар давомида барқарор сақланиб қолинганини ўрганишни ўзи кифоя (чунки Исроил давлати яқин ўтмишда вужудга келган).

Яҳудий диаспорасини ўрганиб, унинг тажрибаси асосида классик диаспоранинг концепцияларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бундай концепциялардан бирини А. Ашкенази [5, - Б. 110] таклиф қилган, у яҳудий диаспорасининг асосий стратегиясини қуйидагича белгилайди:

Биринчи стратегия – миллий диаспоранинг доимо бир жойда турғун эмаслиги: жамоаларнинг кўпчилик аъзолари (ихтиёрий ва беихтиёр) сиёсий таъсир доирани географик жиҳатдан ўзгартириб туриш имкониятидан фойдаланишади, хусусан, бир мамлакатдан (жамоадан) бошқасига кўчиб ўтиш тез-тез кузатилади.

Иккинчи стратегия – яҳудийлар учун миллатни яшаб қолиши, доим фаол диаспора бўлиш мақсадида жамоалар ўртасида доимий алоқа тармоғини яратиш зарурияти мавжуд. Бундан ташқари, яҳудий диаспорасининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар доим сиёсий жараёнлар маркази бўлган, ижтимоий коммуникациялар яхши ривожланган Нью-Йорк, Лондон, (қадимда Рим) каби шаҳарларда жойлашган. Бу нафақат жамоалар ўртасидаги алоқаларни сақлаб қолишга, балки тегишли давлатнинг сиёсатига таъсир этиш имконини беради.

Учинчи стратегия – бу интуитив алоқа кодини яратиш. Миллий диаспоранинг барча аъзолари бир хил қабул қиладиган, сезадиган маданий коммуникатив код тушунилади. Бу коднинг моҳияти бирлик ва умумий тарихий тақдир ғояси ҳисобланиб, ҳар хил географик, ижтимоий ва вақтинчалик тўсиқларга қарамай ажабланарли тарзда муваффақият билан наслдан наслга ўтиб келмоқда.

Тўртинчи стратегия - доимий сиёсий конформизм. Дунё бўйлаб яқин алоқалар ва ташкилотларга эга бўлишнинг афзалликлари билан бирга ҳукуматларга, одатда танқидий кайфиятни эмас, балки доим муроса позициясини кўрсатиш ҳамда сиёсий ҳокимият учун даъво қилмаслик.

Бешинчи стратегия – демографик жиҳатдан камчиликни ташкил этиш. Яҳудийлар ҳеч қачон бирор минтақадаги ҳудудда кўпчиликни ташкил этмаган. Сон жиҳатдан доминант ҳисобланган диаспора ўзи жойлашган жуғрофий минтақани назорат қилишга мойил бўла бошлайди. Бунинг оқибатида тарихий Ватанидан узилиш ва маданий жиҳатдан йироқлашиш эҳтимоли катта бўлиб, ассимиляция жараёни фаоллашади ҳамда маҳаллий маданият билан симбиоз ҳолати кузатилади. Бундай ҳолат яҳудий диаспораси билан бу ҳеч қачон содир бўлмаган, гарчи у мезбон мамлакатларнинг сиёсий тузилмаларида озчиликни ташкил этган бўлсада, доим маданий ва сиёсий автоном мақомига эга бўлган. Бироқ яҳудийлар диаспорасининг сони ўзлари яшаб турган мамлакат учун ҳеч қачон “демографик таҳдид” солмаган.

Олтинчи стратегия – тарихан келиб чиққан Ватанга нисбатан интилишни ифодаловчи эътиқоднинг мавжудлиги. Ушбу эътиқод яҳудийларни қабул қилувчи давлатнинг ҳукмрон аҳолиси ва унинг ҳукумати учун ҳеч қачон хавф туғдирмайди.

Ҳар қандай жамоа "бегона маданият" муҳитида ўзининг этномаданий қадриятларини сақлашга ҳаракат қилади [9]. Бошқа томондан, кишиларни айнан шу гуруҳга мансублик туйғусини диаспорани ўзи қабул қилиши керак. Шундай қилиб, диаспора миллий жамоаларга жамиятда мўлжал олишга ёрдам берадиган социал модел ҳисобланади [10]. Мўлжал олишда жамоавий хулқ-атвор (интуитив коммуникатив код, [11] келиб чиқадиган мамлакат билан боғлиқлиги (идентификация), [12] жамоавий хотира) [13] муҳим ҳисобланади. Мансубликнинг муҳим омили бу қадриятларнинг ўзига хослиги, қадриятлар тизимидир. Хусусан, маълум маданий ва қадриятларнинг мавқеи деганда (уларнинг устуворлиги ва афзаллиги), уларнинг қиёсий аҳамияти, аксиологик белгиси ("қадриятлар" ёки "қадриятларга қарши") тушунилади. Э.Т. Хилл XX- асрнинг 60-йилларида "проксима" атамасини фанга киритади [14]. Мазкур ёндашув орқали турли халқларнинг ижтимоий бағрикенглиги, ўз муҳитига бошқаларни сингдира олиш даражаси, алоҳида кишилар ўртасидаги мулоқотлар масофаси масалаларини махсус ўрганиш имкониятлари юзага келди [15].

Ҳозирги 2700 йиллик давлатчилик тарихига ҳамда мамлакат ташқарисида уч миллиондан ортиқ "ўзбек диаспораси"га эга Ўзбекистон Республикасида миллий диаспоралар билан ишлаш тизими мавжуд тажрибаларни ўзида мужассам эта оладими? Қисқа фурсат бўлсада фақат 2016 йилдан кейин бу соҳага давлат сиёсати даражасида катта эътибор берила бошланди. Ўзбекистонда бу давр оралиғида ватандошлар билан ишлаш бўйича анча ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПҚ-5220-сон қарори билан хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилоти — "Ватандошлар" жамоат фонди ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони қабул қилинди. Тараққиёт стратегиясининг **87-мақсадида "Ватандошлар" жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш белгиланди. Ушбу ҳужжатга кўра:**

хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш; хориждаги ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш;

юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш;

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва олиб бориш соҳасида юзага келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш ва уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш;

хориждаги ватандошларнинг салоҳиятини Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга жалб этиш ва уларни рағбатлантириш чораларини амалга ошириш бўйича кейинги беш йиллик вазифалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Фикримизча, ушбу вазифалар билан мамлакатимизнинг "Ватандошлар" билан ишлаш тадбирлари чекланиб қолмаслиги керак. Балки хориждаги "ўзбек диаспораси"ни ўзини

қўллаб-қувватловчи қўшимча вазифаларни ҳам бажаришимиз керак бўлади. Бунда ҳар бир давлатдаги "ўзбек диаспораси"ни социологик тадқиқ этиш, реал имкониятларига баҳо бериш, диаспора қўним топган мамлакат билан ўзаро муносабатлар ва муаммоларни ўрганиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси миллий диаспоралар билан ишлашда устувор тамойилларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. "Ўзбек диаспораси" билан ишлашда, аввало, толерантлик, компромисс каби хусусиятларини таҳлил қилиш лозим.

"Ўзбек миллати"нинг толерантлик хусусияти шундаки, янги этномаданий муҳитга адаптация ва интеграцияси муваффақиятли бўлса ҳам, қабул қилаётган мамлакат маданиятининг барча норма ва элементларини истисносиз қабул қилишини билдирмайди. Ўзбекистонлик мигрантлар ўзлари борган давлат (масалан, Россия Федерацияси) аҳолисидан диний-конфессионал, психологик-руҳий, тили, маънавий маданияти ва бошқа белгилари билан ажралиб туришади [8, - Б. 114-115].

Толерантлик, Р.Х. Муртазаева таъкидлаганидек, "глобаллашув шароитида сайёрамизда тинчликни сақлаш ҳодисасига айланиши, аниқроғи, цивилизацияни сақлашга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бағрикенглик узоқ вақт давомида фақат Ғарб маданиятининг ютуғи сифатида тан олинган. Бироқ, бугунги кунда кўпчилик Европа ва Америка тарихчилари, сиёсатшунослари ва маданиятшунослари бағрикенглик (диний, этник, маданий) Шарқда қадим замонлардан буён мавжуд бўлган ва Ғарб жамияти кейинчалик уни қадрият сифатида ўзлаштириб олишганини айтишмоқда" [6, - Б. 76]. Уч минг йиллик цивилизация марказларидан бири бўлган Ўзбекистон маданиятларнинг хилма-хиллиги, бағрикенглик, хилма-хил этник гуруҳларга бойлиги, урф-одатларнинг кўплиги ва конфессияларнинг мавжудлиги туфайли тарих синовларига бардош бера олди. Ўзбек халқига ота-боболардан тарихий эстафета сифатида "куч билан келажак бирликда" деган ўгит қолган [6, - Б. 76].

Ўзбек менталитетига хос яна бир хусусиятлардан бири бу копромисс (муроса)га бориш ҳисобланади. Маълумки, компромисс деганда икки ёки уч томоннинг вақтинча муроса ҳолати тушунилади. Компромисс ҳолатида томонлар бир-бирларига тоқат қиладилар, рақиблар билан кескин ихтилофлардан онгли равишда тийилиб турадилар. Шу боисдан ҳам компромисс муваққат, яъни вақтинча келишув ҳолати сифатида тушунилади.

Компромисс ҳолатида зиддиятлар ташқи шаклдан ички шаклга ўтади. Ички зўриқиш вазияти муайян муддатгача ўзини ошкор этмай туради. Аммо бирор бир томон учун қулайрок ижтимоий-сиёсий муҳит юзага келиши биланоқ компромисс ҳолати ошкора конфликтга айланиб кетади. Табиийки, компромисс ҳолатини миллий менталитет, ахлоқ-одоб, давлат ва жамият бошқарувидаги ўзига хослик маълум даражада жиловлаб туради. Компромисс ҳолати муайян ижтимоий-сиёсий муҳит, давр, маънавий-маданий ёндашувлар ўзгариши билан консенсусга ёхуд бегоналашувга айланиши мумкин. Шу боисдан ҳам компромисс оралиқ муҳит бўлиб, таяниш ва ишонч билан ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам бўлмаган ҳолат ҳисобланади [7, - Б. 83-84].

"Муроса ҳолатида ҳар икки томон алоҳида-алоҳида ривожланишга интилади. Носоғлом рақобат муҳитига амал қилади. Аммо муроса, яъни компромисс ҳолатида кичик ишлар бирмунча жонланса-да, катта ишлар ривож топмайди. Шунга қарамай, компромисс ҳолати жамиятда маълум муддатга бўлса-да, муайян турғунликни, тинчликни таъминлаб бериши жиҳатидан ижобий ҳодисадир. Демак, ўз вақтида, ақл билан қўлланилувчи, рақиб хушёрлигини, зарарли таъсир қилиш суръатини сусайтиришга қаратилган компромисс муайян наф бериши шубҳасиздир. Аммо компромисс ҳолатининг миллий муносабатлар асоси, турмуш тарзининг мазмунига айланиб қолиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин" [7, - Б. 83]. М. Бекмуродов таъбирича, буюк зотларни жаҳонга етиштириб берган "улуғ халқ нима сабабларга кўра сўнгги тўрт юз йил мобайнида бу қадар таназзулга дучор бўлиб келди?" Ана шу саволларга жавобларни инсоний муносабатлар тизимидаги компромисс ва консенсус тушунчалари моҳиятини таҳлил этиш орқали излашга ҳаракат қилиш керак [7, - Б. 84].

Хулоса қилиб айтганда, хориждаги "ўзбек диаспора"ларида доимо компромисс ҳолатида фаолият олиб бориш ҳолатини тўла ижобий хислат деб баҳоламаслик лозим. Миллий диаспоралар билан ишлашда манфаатларни тўлақонли қондириш мақсадида муносабатларни

консенсус асосида қуриш тавсия этилади. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги миллий диаспоралари билан ишлашда "консенсус" муносабтларини яратишга қаратилган ижтимоий ҳаёт тарзини кўпроқ тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида хорижий мамлакатларда истиқомат қилиб келаётган ўзбек диаспораларининг қўним топган давлатлари билан бўладиган муносабатларида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Исламов Б. В. Институционализация диаспоральной политики и дипломатии в отношении соотечественников зарубежом: опыт иностранных государств и республики Узбекистан // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. – Issue -1, №02 (2020) / ISSN 2181-1415. – С. 402-403.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. – Б. 309.
3. Escobar A., Janssen E. Migration, The Diaspora and Development. The case of Mexico, International Institute of Labour Studies, Discussion Paper, 2006, vol. 167.
4. Kuznetsov, Yevgeny. 2006. Diaspora Networks and the International Migration of Skills : How Countries Can Draw on their Talent Abroad. WBI Development Studies. Washington, DC: World Bank. © World Bank. https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/7008 License: CC BY 3.0 IGO. (https://uzanalytics.com/jamiyat/4231/)
5. Ashkenasi A. Diaspora: Identitätsbewarhung, Akkulturation und die Enttäuschung in der Diaspora // Identität in der Fremde / M. Dabag, K. Platt (Hrsg.). Bochum, 1993. S. 110.
6. Муртазаева Р.Х. Проявление толерантности узбекского народа в полиэтничном Узбекистане в условиях независимости. Наука, техника и образование. 2018. – С. 76.
7. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети // Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази.-Т .: «Info Capital Group», 2011. – Б. 83-84. (96 б).
8. Парманов Ф. Миграция жараёнлари: транформацияси ва интеграциялашув тенденциялари: соц.фан.док. ...диссертацияси.- Т., 2020. – Б. 114-115.
9. Tölölyan K. Rethinking Diaspora(s): Stateless Power in the Transnational Moment // Diaspora. — 1996. — 5 (1).
10. Dabag M., Platt K. Diasporas und kollektive Gedächtnis. Zur Konstruktion kollektiver Identitäten in der Diaspora // Identität in der Fremde / Hrsg. von M. Dabag, K. Platt. – Bochum, 1993.
11. Ashkenasi A. Identitätsbewahrung, Akkulturation und die Enttäuschung in der Diaspora // Identität in der Fremde / Hrsg. von M. Dabag, K. Platt. — Bochum, 1993.
12. Safran W. Diasporas in Modern Societies: Myths of Homeland and Return // Diaspora. 1991. – 1 (1).
13. Tölölyan K. Rethinking Diaspora(s): Stateless Power in the Transnational Moment // Diaspora. – 1996. – 5 (1).
14. Минюшев Ф. Социальная антропология. Учебное пособие. Академический проект. 2004. – С. 117.
15. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси / Монография. – Тошкент: Yoshlar nashriyoti, 2020. – Б. 119.

ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 5, НОМЕР 3

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 5, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000